

“АСАКА” ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ КРЕДИТЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

“Асака” давлат-акциядорлик тижорат банкининг Кредитлаш департаменти тўғрисидаги мазкур Низом (матн бўйича кейинги ўринларда - “Низом”) Кредитлаш департаментининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги ва “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банкининг таркибий бўлинмалари ва филиаллари билан ўзаро муносабатларини ҳамда Кредитлаш департаментининг иш регламентини белгилаб беради.

1. Умумий қоидалар

1.1 Кредитлаш департаменти (қуйида матн бўйича “Департамент” деб номланади) “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банкининг (қуйида матн бўйича “Банк” деб номланади) мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва Банк Бошқаруви Раисининг кредитлаш масалаларини назорат қилувчи ўринбосарига бўйсунди.

1.2 Департамент ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига, Банк Уставига, Банкнинг Кредит сиёсатига, мазкур Низомга ва Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига амал қилади.

1.3 Департамент ўз фаолиятини чораклик иш режаларига мувофиқ, Банкнинг бошқа бўлинмалари ва унинг филиаллари билан ҳамкорликда амалга оширади.

2. Тузилиши

2.1. Департаментнинг тузилиши ва штатлар жадвалини Банк Бошқаруви Раиси тасдиқлайди.

2.2. Департаментга Банк Бошқаруви Раисининг буйруғи билан лавозимга қабул қилинадиган департамент бошлиғи раҳбарлик қилади. Департамент бошлиғи бўлмаганда унинг вазифалари Департамент бошлиғининг ўринбосари зиммасига юклатилади.

2.3. Департамент таркибий бўлинмаларининг фаолияти Банк Бошқаруви Раисининг ўринбосари томонидан тасдиқланадиган иш режаларига мувофиқ ва тегишли низомлар асосида ташкил этилади.

2.4. Департаментнинг таркибий бўлинмалари фаолиятини назорат қилиш Департамент бошлиғи томонидан амалга оширилади.

2.5. Департамент қуйидаги бўлинмалардан ташкил топади:

2.5.1. Филиал лойиҳаларини миллий валютада кредитлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси:

Бошқарма таркибида:

- Филиал лойиҳаларини миллий валютада кредитлаш бўлими;
- Кичик бизнес ва тадбиркорлар билан ишлаш бўлими;
- Жисмоний шахслар кредитлари билан ишлаш бўлими.

2.5.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ишлаш бўлими;

2.5.3. Чет эл валютасида кредитлаш ва савдо амалиётларини молиялаштириш бўлими;

2.5.4. Бош офис мижозларига миллий валютада кредитлар ажратиш ва уларни мониторинг қилиш бўлими.

3. Асосий вазифалари

Департаментнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

3.1 Кредит ресурсларига ва бошқа кредит воситаларига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда Банкнинг кредит сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш;

3.2 Департаментнинг таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, Банкнинг стратегияси ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қисқа муддатли кредитлаш масалалари бўйича ишлаш;

3.3 Филиаллар тармоғи (филиалларнинг ваколатларидан юқори даражадаги) ва Бош офис мижозларининг қисқа муддатли кредитлаш бўйича кредит сўровномаларини кўриб чиқиш, салоҳиятли қарздорларнинг кредит лаёқатлилигини баҳолаш, шунингдек Бош офисда хизмат кўрсатиладиган мижозларга ажратилган қисқа муддатли кредитларни мониторинг қилиш;

3.4 Қисқа муддатли кредитлаш жараёнига тегишли бўлган меъёрий ҳужжатлар, низомлар ва техник тартибларни ишлаб чиқишда иштирок этиш.

4. Функциялари

Департамент ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ ҳолда қуйидаги функцияларни бажаради: